



5 у.р. "18" апрел

№ 522-К

Самарқанд т-р Самарқанд

**“Даштакиболо” кишлоқ фуқаролар йиғини “Оқмачит” маҳалласида
фуқаро Искандарова Дилрабо Илясбековнага келинлар либосларини
ижарага бериш шахобчаси ва гўзаллик салони қуриш учун ер майдони
ажратиш тўғрисида.**

“Кулбаипоён” кишлоқ фуқаролар йиғини “Андижони” маҳалласида яшовчи фуқаро Искандарова Дилрабо Илясбековна туман ҳокими номига “Даштакиболо” кишлоқ фуқаролар йиғини “Оқмачит” маҳалласи ҳудудидан келинлар либосларини ижарага бериш шахобчаси ва гўзаллик салони қуришга ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосаси, “Қишлоққурилишлойиха” масъулияти чекланган жамиятининг 2014 йил 3 ноябрдаги 11-14/528 сонли хулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тadbирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тadbиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Кулбаипоён” кишлоқ фуқаролар йиғини “Андижони” маҳалласида яшовчи фуқаро Искандарова Дилрабо Илясбековнага “Даштакиболо” кишлоқ фуқаролар йиғини “Оқмачит” маҳалласи ҳудудидан келинлар либосларини ижарага бериш ва гўзаллик салони қуриш учун 99 м.кв қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Искандарова Дилрабо Илясбековнага келинлар либосларини ижарага бериш ва гўзаллик салони қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиха ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров